

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДАЙҚУЛОВ ЖОНИБЕК БОЗАРОВИЧ

**ЕРЁНҒОҚ НАВЛАРИДАН ЮҚОРИ ВА СИФАТЛИ ҲОСИЛ
ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Худайкулов Жонибек Бозарович

Ерёнғоқ навларидан юкори ва сифатли ҳосил етиштириш технологиясининг илмий асослари..... 3

Худайкулов Жонибек Бозарович

Научные основы технологии возделывания высокого и качественного урожая сортов арахиса..... 27

Khudaykulov Jonibek Bozarovich

Scientific bases of the growing technology of peanut varieties to obtain high and quality yield..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДАЙҚУЛОВ ЖОНИБЕК БОЗАРОВИЧ

**ЕРЁНҒОҚ НАВЛАРИДАН ЮҚОРИ ВА СИФАТЛИ ҲОСИЛ
ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3. DSc/Qx68 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат аграр университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз тилида (резюме)) илмий кенгаш веб саҳифаси (www.cottonagro.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Атабаева Халима Назаровна,**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: **Остонақулов Тоштемир Эшимович,**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Рахмонқулов Саидақбар Рахмонқулович,
биология фанлари доктори, профессор.

Ёрматова Дилором,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти**

Диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 2019 йил соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-64; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: riim@agro.uz.)

Докторлик диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-64; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги №___ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Н.Нурматов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
қ.х.ф.д., профессор.

Ф.М.Хасанова,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, қ.х.ф.н., профессор.

Ж.Х.Ахмедов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор.

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда мойли экинлар, жумладан ерёнғоқ ҳосилдорлигини ва уруғ сифатини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон миқёсида 117 та мамлакатда ерёнғоқ экилади ва экин майдони 27,66 миллион гектарни ташкил этиб, ялпи ҳосил 43,98 миллион тонна ва ўртача ҳар гектар майдондан 1,59 тонна ҳосил етиштирилади. Ерёнғоқ Осиё қитъасининг 56 фоиз, Африканинг 40 фоиз экин майдонларини қамраб олган ва умумий ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 68 фоизи ёки 25 фоиз қисми ушбу қитъалар ҳиссасига тўғри келади. Ўзбекистон ерёнғоқ етиштириш бўйича дунёда 51-чи ўринни, ҳосилдорлик бўйича эса 1-чи ўринни эгаллаган¹. Бугунги кунда ерёнғоқ навларини етиштириш технологиясини илмий асослаш ва аҳолини тўйимли озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлашда ялпи ҳосилни ошириш долзарб масалалардан бўлиб ҳисобланади.

Дунёда ерёнғоқ етиштирувчи мамлакатларда тупроқ шароити, нав хусусиятлари ва етиштириш технологияларининг илғор усулларини қўллаш ҳисобига уруғ ҳосилдорлигини ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан, ерёнғоқнинг серҳосил, уруғ сифати юқори ва қайта ишлашга яроқли бўлган янги навларини яратиш, уларнинг ўзига хос етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш, ерёнғоқ навларининг ҳосили ва сифатини оширишда уруғ экиш муддатлари, суғориш тартиблари ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларини мақбуллаштириш, ўсишни соловчи биостимуляторларни қўллаш натижасида ерёнғоқнинг ўсиш-ривожланишини жадаллаштириш, аҳолининг ёғ-мой ва қандолат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, чорвачиликни тўйимли озуқа билан таъминлашда илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Республикамиз қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, хусусан аҳолининг озиқ-овқат ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда саноатни хом ашёга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш бўйича кенг кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида "... қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, қишлоқ хўжалик экинларининг янги навларини яратиш ва уларни парваришлаш технологиясини такомиллаштириш, озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, сув ва ресурсларни тежаш, айниқса такрорий экин сифатида мойли экинларни катта майдонларда етиштиришга алоҳида эътибор қаратилган"². Қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш учун экспортбоп маҳсулот етиштириш ҳажмини ошириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек,

¹ www.factishPeanuts.production.in.the.world.countries.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли фармони.

тупроқ унумдорлигини сақлаш мақсадида суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида ерёнғоқ навларини мақбул экиш муддатлари, суғориш тартиблари, минерал ўғитлар ва биостимуляторлардан самарали фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3281-сонли “2018 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 мартдаги 259-сонли “2019 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш ва маҳсулот етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисидаги” қарори, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Ерёнғоқнинг юқори ва сифатли ҳосил кўрсаткичларига эга навларини турли тупроқ-иқлим шароитларида экологик синовдан ўтказиш ва танлаш, ҳосилдорлик ва уруғлик сифатини ошириш ҳамда етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишлари жаҳоннинг етакчи халқаро илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, American Peanut Research and Education Society, UF-University of Florida IFAS Research (АҚШ), International Crops Research Institute for the Semi-Arid Tropics (ICRISAT), International Center for Agricultural Research in the Dry Areas (ICARDA), Shandong Peanut Research Institute (Хитой), KOPIA (Жанубий Корея), Краснодар давлат аграр университети (Россия), Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти, Тошкент давлат аграр университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Ерёнғоқ етиштириш агротехнологиясини такомиллаштириш бўйича дунё мамлакатларида олиб борилган илмий тадқиқотларда қуйидаги натижалар олинган: жумладан, янги, серҳосил ва сифати юқори навларни етиштириш, ерёнғоқ маҳсулотини қайта ишлаш жараёнларида харажатларни камайтириш, истеъмолчининг талаб ва таклифларига мос, рақобатбардош, экологик хавфсиз маҳсулот етиштирилиб, экспорт қилинган (American Peanut Research and Education Society, UF-University of Florida IFAS Research), ерёнғоқ навлари ҳосилдорлиги ҳамда уруғи таркибида оқсил ва мой миқдорини ошириш, айниқса юқори ва барқарор ҳосил етиштиришда навнинг биологик ва генетик хусусиятларини инобатга олиб, экиш муддати, меъёри, минерал ўғитлар билан озиклантириш, сувга бўлган талаби ҳамда қўлланилган агротехник тадбирларга боғлиқлиги аниқланган (ICRISAT, ICARDA), ерёнғоқ экини селекцияси, биотехнологияси, физиологияси,

касаллик, зараркунанда ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш бўйича ўтказилган илмий тадқиқотлар натижасида озик-овқат саноатига ва чорвачиликка тўйимли ҳамда сифатли маҳсулот етказилган (Shandong Peanut Research Institute), ерёнғокни плёнка остига экиш, томчилатиб суғориш, ўсишни соловчи моддаларни ва ресурстежамкор технологияларни қўллаш усуллари ишлаб чиқилган (КОРІА, Краснодар давлат аграр университети).

Бугунги кунда дунё мамлакатларида ерёнғок етиштиришда қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: жумладан, ҳар бир минтақа тупроқ-иқлим шароитларига мос янги ва истиқболли ерёнғок навларини яратиш; дуккакининг истеъмолга яроқлилигини ошириш, фармацевтика саноати ҳамда қандолатчилик учун қимматли хомашё етказиб беришни такомиллаштириш, барқарор мўл ҳосил етиштиришни таъминлайдиган агротехнологияларни ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё бўйича энг кўп ерёнғок экиладиган мамлакатлар: АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Аргентина, Бразилия, Жанубий Африка, Россия, Италия, Испания, Австралия, Закавказье мамлакатлари ҳисобланади. Ушбу мамлакатларда ерёнғокнинг янги навларини экологик синовдан ўтказиш, ҳар бир минтақанинг тупроқ-иқлим шароитига мос навларни танлаш ва уларни тўғри жойлаштириш, юқори ва сифатли ҳосил етиштириш, маҳсулотни сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Ерёнғок навларини яратиш ва етиштириш агротехнологиялари хорижлик олимлар: S.N.Nigam, D.Y.Giri, A.G.Reddy, J.A.Baldwin, L.R.Dewey, S.N.Deshmukh, G.N.Satpute, W.M.Dabre, P.G.Deshmukh, A.Krapoviskas, W.S.Gregory, S.Natarajan, Rao Ramanatha, R.W.Gibbons ва республикамизда В.Н.Чирков, Х.Н.Атабаева, М.Аманова, А.Рустамов, Ш.Нурматов, А.Абдуллаев, Т.Б.Азизов, Ф.Ачиллов ва бошқалар томонидан ўрганилган. Аммо, ерёнғокни асосий экин сифатида ва кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида етиштиришга мос навларини танлаш ва уларни мақбул экиш муддатлари, суғориш тартиблари, минерал ўғитларга бўлган талаби ҳамда ўсишни соловчи биостимуляторларни қўллаш бўйича илмий тадқиқот ишлари етарлича ўтказилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг: КХА-7-031-II. “Ерёнғок навларидан юқори ва сифатли маҳсулот етиштиришни таъминлайдиган мақбул экиш тизими, муддати ва ўғитлаш меъёрини ишлаб чиқиш ва фермер хўжаликларида жорий этиш” (2009-2011 йй.), ҚХА-3-021-2015. “Ерёнғок ва бошқа турдаги дуккаклар қобиғини ажратиш қурилмаси технологик параметрларини асослаш” (2015-2017 йй.) ва Жанубий Корея Республикасининг КОРІА Халқаро ташкилоти ҳомийлигида “Ўзбекистонга ерёнғок навларини мослашувчанлиги ва етиштириш имкониятларини ўрганиш” (2016-2018 йй.) мавзусидаги амалий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитига мос келувчи тезпишар, юқори ҳосилдор хорижий ерёнғоқ нав ва намуналарини танлаб олиш, маҳаллий навларнинг мақбул экиш муддатлари, минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрлари, суғориш тартиби ва биостимуляторни қўллаш технологияларининг ерёнғоқ морфобиологик хусусиятлари, фотосинтетик фаолияти, ҳосил элементларини шаклланиши ва мойдорлик даражасига таъсирини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дунё генофондидан олинган хорижий ерёнғоқ нав ва намуналарининг ўсиши, ривожланиши, тезпишарлик, маҳсулдорлик ва сифат кўрсаткичларини баҳолаш ҳамда Тошкент вилояти тупроқ-иқлимига мос келувчи нав ва намуналарни танлаш;

маҳаллий ерёнғоқ навларини асосий ва такрорий экин сифатида мақбул экиш муддатларининг морфобиологик хусусиятларига, фотосинтетик фаолиятига, ҳосилдорлиги ва уруғидаги мой миқдорига таъсирини ўрганиш;

мақбул суғориш тартиблари ва ўғитлаш меъёрларининг ерёнғоқнинг ўсиши, ривожланиш фазалари, барг сатҳи, ҳосилдорлиги ва ҳосил структурасига таъсирини аниқлаш;

ерёнғоқ етиштиришда Микрозим-2 биостимуляторини қўллаш самарадорлигини ўрганиш;

ерёнғоқ навларини асосий ва такрорий экин сифатида етиштиришда экиш муддати, суғориш ва минерал ўғитлар билан озиклантириш ҳамда биостимуляторларни қўллаш технологияларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари, дунё генофондидан олинган хорижий ерёнғоқ нав ва намуналари, маҳаллий ерёнғоқнинг “Тошкент-112”, “Қибрай-4”, “Саломат” ва “Мумтоз” навлари, экиш муддатлари, суғориш тартиблари, азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар ҳамда Микрозим-2 биостимулятори олинган.

Тадқиқотнинг предмети. Хорижий ва маҳаллий ерёнғоқ нав ва намуналарининг тезпишар, серҳосил ва сифати юқори бўлган навларини танлаш, уруғ экиш муддатлари, суғориш тартиблари, минерал ўғитлар меъёрлари ва Микрозим-2 биостимуляторини қўллашнинг ерёнғоқнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилнинг шаклланиши ва самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқот усуллари. Дала ва лаборатория тажрибаларини ўтказиш, фенологик кузатишлар, биометрик ўлчовлар ва ҳосилни аниқлашда “Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур”, “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, “Ўсимликшуносликда илмий тадқиқот ишлари” услубий қўлланмаларидан фойдаланилган. Тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий таҳлиллари “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах” услублари асосида олиб борилган. Дала тажрибаларида олинган маълумотлар Б.А.Доспехов услубига асосан Microsoft Excel дастури ёрдамида математик статистик таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат: илк бор Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида дунё генофондидан олинган 29 та ерэнғоқ нав ва намуналарининг биологиясидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий шароитга мос тезпишар ва серҳосил 7 та нав намуналари: 240 (Хитой), 513 (Япония), 537 (Жанубий Корея), ISCVT 03157, ISCVT 03184, ISCVT 03187, СНІСО 01021 (Ҳиндистон) ажратиб олинган;

Давлат Реестрига киритилган маҳаллий ерэнғоқ навларининг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, юқори ва сифатли ҳосил етиштиришнинг технологик элементлари илмий асосланган;

ерэнғоқнинг маҳаллий “Тошкент-112”, “Қибрай-4”, “Саломат” ва “Мумтоз” навларини асосий ва такрорий экин сифатида экишнинг мақбул муддатлари аниқланган;

ерэнғоқ навларининг мақбул суғориш тартиби ва минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрлари аниқланган;

ерэнғоқ етиштиришда Микрозим-2 биостимуляторини мақбул қўллаш технологияси илмий асосланган;

ўрганилган ерэнғоқ навларидан юқори сифатли ҳосил олишда қўлланилган агротадбирларнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ерэнғоқнинг маҳаллий шароитга мос тезпишар ва серҳосил 240 (Хитой), 513 (Япония), 537 (Жанубий Корея), ISCVT 03157, ISCVT 03184, ISCVT 03187, СНІСО 01021 (Ҳиндистон) нав ва намуналари ажратиб олинган ва такрорий экин сифатида етиштирилганда 26,6-28,7 ц/га дуккак ва 40,0-44,8 ц/га пичан ҳосили олинган;

ерэнғоқнинг “Тошкент-112”, “Саломат”, “Қибрай-4” ва “Мумтоз” навларини асосий экин сифатида мақбул экиш муддати 25 апрель - 15 май, кузги буғдойдан кейин такрорий экин сифатида мақбул экиш муддати 5 июнь - 15 июнь эканлиги аниқланган. Бунда, энг юқори кўрсаткичлар асосий экин сифатида “Мумтоз” навида 30,9-34,5 ц/га дуккак ва 45,0-48,7 ц/га пичан, такрорий экин сифатида “Саломат” навида 21,3-23,5 ц/га дуккак ва 30,-33,9 ц/га пичан олишга эришилган;

ерэнғоқ навлари тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-65% тартибда суғорилиб, минерал ўғитлар $N_{150}P_{150}K_{100}$ кг/га меъёрда қўлланганда “Саломат” навидан 2,4-7,2 ц/га, “Мумтоз” навидан 3,6-10,1 ц/га қўшимча дуккак ҳосили олинган ва 1 кг азот, фосфор ва калий ўғитлари қўлланиши ҳисобига 7,08-8,18 кг дуккак етиштирилган ҳамда уруғдаги мой миқдори 47,9-50,1 фоизни ташкил қилган;

Микрозим-2 биостимулятори ерэнғоқ уруғини экишдан олдин, гуллаш ва дуккаклаш даврларида қўлланилганда “Саломат” навидан 14,4 ц/га дуккак ҳосили олиниб, уруғдаги мой миқдори 47,8 фоизни, “Мумтоз” навида эса дуккак ҳосили 14,0 ц/га, уруғдаги мой миқдори 46,1 фоизни ташкил қилган бўлса, Микрозим-2 биостимулятори минерал ўғитларнинг $N_{150}P_{150}K_{100}$ кг/га фонида қўлланилганда ерэнғоқнинг ўсиб ривожланишига ижобий таъсир этиши ҳисобига дуккак ҳосилдорлиги 29,3-33,2 ц/га, рентабеллик 59,3-80,4 фоиз бўлиши имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларида фойдаланган ҳолда вариацион-статистик таҳлилдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий натижаларда тасдиқланганлиги, изланишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, тадқиқот йўналишлари асосида амалий лойиҳаларнинг бажарилганлиги, маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, тўпланган маълумотлар етакчи мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги, натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги, халқаро ва республика миқёсидаги илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, ишлаб чиқаришга тавсиялар берилганлиги ва жорий этилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган нуфузли хорижий илмий журналлар ва Республика илмий нашрларида чоп этилганлиги натижаларнинг ишончилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида ерёнғоқнинг хорижий тезпишар, юқори ҳосилли нав ва намуналари танлаб олинганлиги, маҳаллий навлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш учун асосий ва такрорий экин сифатида экиш муддатлари, суғориш тартиблари, минерал ўғитлар меъёрларининг илмий асосда ишлаб чиқилганлиги, Микрозим-2 биостимуляторини мақбул қўллаш муддат ва меъёрлари аниқланганлиги, ерёнғоқ навларининг дуккак ҳосили ва уруғидаги мой миқдорининг қўлланилган агротадбирларга боғлиқ ҳолда ўзгариши илмий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий шароитга мос тезпишар ва серҳосил хорижий нав ва намуналардан 7 таси: 240 (Хитой), 513 (Япония), 537 (Жанубий), ISCVT 03157, ISCVT 03184, ISCVT 03187, CHICO 01021 (Ҳиндистон) танлаб олинган ва уларнинг дуккак ҳосили юқори бўлганлиги аниқланган. Ерёнғоқнинг маҳаллий “Тошкент-112”, “Саломат”, “Қибрай-4” ва “Мумтоз” навларининг мақбул экиш муддатлари, суғориш тартиби, ўғитлаш меъёри ва Микрозим-2 биостимуляторини қўллаш технологияси ишлаб чиқилиб кенг жорий этилганлиги ҳамда бунинг натижасида юқори иқтисодий даромадга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида ерёнғоқдан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш технологиясини илмий асослаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

“Ерёнғоқни томорқа, деҳқон ва фермер хўжаликларида экиш ва парваришда инновацион технологиялар бўйича тавсиянома”, “Ерёнғоқ экинини етиштириш агротехникаси бўйича тавсиянома”лари ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 11 сентябрдаги 02/021-2273-сонли маълумотномаси). Ушбу тавсияномалар республикамиздаги томорқа, деҳқон ва фермер хўжаликларида ерёнғоқдан мўл ҳосил етиштиришда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

ерёнғоқнинг мақбул экиш муддатлари, минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрлари, суғоришлар сони ва меъёри, Микрозим-2 биостимуляторини қўллаш технологияси Тошкент вилояти Бекобод, Бўка, Пискент туманларидаги фермер хўжаликларида жами 315 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 11 сентябрдаги 02/021-2273-сонли маълумотномаси). Натижада, “Саломат” ва “Тошкент-112” навлари такрорий экин сифатида етиштириш технологияси 236 гектар майдонда жорий этилган бўлиб, навлар июн ойининг биринчи ярмида экилган, октябрь ойининг биринчи ўн кунлигида пишиб етилган ҳамда гектаридан 23,5-26,7 центнер дуккак ҳосили олиш имкони яратилган;

ерёнғоқ навларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришни таъминловчи мақбул суғориш тартиблари ва минерал ўғитлар билан озиклантириш технологияси жами 54 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 11 сентябрдаги 02/021-2273-сонли маълумотномаси). Натижада, ерёнғоқнинг “Мумтоз” нави май ойининг биринчи ўн кунлигида экилиб, суғориш тартиби ЧДНС га нисбатан 70-75-65% ва минерал ўғитлар билан озиклантириш ишлари $N_{200}P_{150}K_{100}$ кг/га меъёрда бўлганда, дуккак ҳосилдорлиги 34-35 ц/га ни ташкил этиб, 27-31 фоиз рентабеллик ошишига эришилган;

такрорий экин сифатида июн ойининг биринчи ярмида ўртатезпишар “Саломат” ва “Тошкент-112” навлари экилган ва ўсишни ростловчи Микрозим-2 биостимулятор билан уруғни экишдан олдин, гуллаш ва дуккаклаш фазаларида қўлланилиб, ишлаб чиқариш синовидида жами 25 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 11 сентябрдаги 02/021-2273-сонли маълумотномаси). Натижада, ушбу навлар октябрь ойида пишиб етилган ҳамда гектаридан ўртача 24,5-27,4 центнер ҳосил олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҳар йили ЎзҚХИИЧМ ва Тошкент давлат аграр университетининг махсус комиссияси томонидан апробациядан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Тадқиқот натижалари йиллик ҳисоботларда баён этилган, университетнинг услубий ва илмий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг илмий натижалари бўйича халқаро ва республика илмий - амалий конференцияларида маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та, жумладан 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, 4 та мақола халқаро конференция тўпламларида нашр этилган. Шунингдек, 1 та монография ва 2 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркиби кириш, еттига боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати баён қилинган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг «**Ерёнғоқ навларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш технологияси бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, суғориладиган майдонларда ерёнғоқ навларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда тезпишар навларнинг биологик хусусиятлари, экиш муддатлари, суғориш тартиблари, минерал ўғитлар билан озиклантиришнинг мақбул муддати ва меъёрлари, ўсишни соловчи биостимуляторларни қўллаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб боришнинг зарурияти асосланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотларни ўтказиш шароити ва услуби**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ишлари олиб борилган Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқ ва иқлим шароитлари, тадқиқот ўтказиш услублари, тадқиқ этилган ерёнғоқ навлари тавсифи ҳамда Микрозим-2 биостимуляторининг хусусиятлари ҳамда ўтказилган агротехник тадбирлар баён этилган. Тажриба даласи тупроғи қадимдан суғориб келинадиган типик бўз тупроқ, ҳайдалма (0-30 см) қатламида гумус миқдори 1,068-1,110%, умумий азот 0,088-0,091%, фосфор 0,091-0,180% ва калий 1,67-1,55% ни ташкил этган. Ушбу озиқа элементлари миқдорлари тупроқнинг ҳайдов ости қатламида бироз камлиги аниқланган. Тупроғи шўрланмаган, ер ости сувлари сатҳи 15-18 метрдан чуқурда жойлашган.

Тупроқнинг ҳайдалма қатламида ҳаракатчан шаклдаги азот 4,4-5,1 мг/кг, фосфор 41,7-51,3 мг/кг, калий 173,0-195,0 мг/кг, ҳайдалма қатлам остида эса мос равишда 3,0-3,7; 31,4-40,6 ва 138,0-153,0 мг/кг ни ташкил этган. Олинган маълумотларга кўра, тажриба даласи тупроғи ҳаракатчан шаклдаги азот билан кам, фосфор билан ўртача ва калий билан кам таъминланган.

Тошкент вилояти иқлим шароити континентал ва қуруқ. Лекин, вилоятнинг текислик қисмидан тоғ минтақалари томон ҳавонинг ҳарорати пасайиб бориши, атмосфера ёғинлари миқдори эса аксинча кўпайиши баён қилинган. Вилоятда энг совуқ январ ойи бўлиб, ҳаво ҳарорати 0°C дан -29°C гача ўзгариб туриши, ҳудудларда бўладиган атмосфера ёғинларининг миқдори ҳам турлича эканлиги қайд этилган. Текислик қисмида йиллик ёғин

миқдори 261-316 мм, тоғ олди адирликларида 366-435 мм ва тоғларда 700-895 мм гача ёғингарчилик кузатилиши кўрсатиб ўтилган.

Тупроқ таркибидаги гумус миқдори И.В.Тюрин усулида, азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари Л.П.Гриценко ва И.М.Мальцева усулида, нитратли азот фотоколорометр усулида, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин, алмашинувчи калий П.В.Протасов усулида аниқланган.

Таҷриба даласи тупроғининг ҳажм массаси 0-50 см қатламда цилиндр ёрдамида амал даврининг боши ва охирида Н.А.Качинский усулида, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги П.Долгов усулида, чекланган дала нам сифими (ЧДНС) С.Н.Рыжов усулида аниқланган.

Амал даври давомида тупроқнинг суғориш олди намлиги кузатилиб, суғориш тартиби ва ЧДНСга нисбатан таққосланган ҳолда суғорилган. Суғориш меъёри 0,5 м кенгликдаги (оқова сув 0,25 м. кенгликда) Чипполетти сув ўлчагичи ёрдамида ҳисоблаб борилган.

Диссертациянинг «**Дунё генофондидаги ерёнғоқнинг тезпишар, серҳосил нав ва намуналарининг маҳаллий тупроқ-иқлим шароитига мослашишини ўрганиш**» деб номланган учинчи бобида ерёнғоқнинг хорижий тезпишар нав ва намуналарининг лаборатория шароитидаги униш қуввати ва унувчанлиги, дала шароитида униб чиқиш даражаси, ривожланиш даврлари ҳамда тезпишарлик хусусиятлари, барг сатҳи, биометрик кўрсаткичлари, ҳосилдорлик ва уруғидаги мой миқдори бўйича маълумотлар баён этилган.

Ерёнғоқнинг хорижий тезпишар нав ва намуналари уруғларининг лаборатория шароитида униб чиқиш қуввати ва унувчанлиги турлича бўлгани аниқланган ҳолда назорат сифатида экилган “Саломат” навида униш қуввати 64 фоиз ва унувчанлиги 99,0 фоизни ташкил этган.

Хорижий нав ва намуналардан 240 (Хитой), 537 (Жанубий Корея), ISCVT 03184, ISCVT 03187 ва CHICO 01021 (Ҳиндистон) нав ва намуналарида “Саломат” навида нисбатан униш қуввати 7-8 фоиз юқори бўлган бўлса, 133 (Ява ороли), 207 (Озарбайжон), 412 (Янги Зеландия), 431 (ЖАР), ISCVT 03178, ISCVT 03179, ISCVT 03196 (Ҳиндистон) каби нав ва намуналарда 8-9% пастрок натижалар олинган.


Ерёнғоқнинг хорижий нав ва намуналарининг лаборатория шароитида униш қуввати ва униб чиқиш даражаси Хитой, Япония, Жанубий Корея, Перу, Ҳиндистон давлатларидан келтирилган (240; 513; 537; 756; ISCVT 03157, ISCVT 03184, ISCVT 03187 ва CHICO 01021) нав ва намуналарда юқори бўлгани аниқланган.

Шунингдек, ерёнғоқ нав ва намуналарининг биометрик кўрсаткичлари, жумладан тўлиқ етилган ва етилмаган дуккаклар нисбати, дуккакдаги уруғлар сони ва оғирлиги, дуккак чиқиши, 1000 дона уруғ вазни бир-биридан фарқ қилиши кузатилган. Масалан, “Саломат” навида бир туп ўсимликдаги ёнғоқлар сони 24 дона, шундан 19 донаси етилган ва 5 донаси етилмаган ҳамда етилган ёнғоқлар миқдори 79,0 фоизни ташкил этган бўлса, 240 (Хитой), CHICO 01021 (Ҳиндистон), 513 (Япония) нав ва намуналарида бир

туп ўсимликдаги ёнғоқлар сони 3,0-3,7 донага, етилган ёнғоқлар миқдори 0,7-4,2 фоиз юқорироқ бўлганлиги қайд этилган (1-жадвал).

Ер ёнғоқнинг пишиб етилган дуккакларидан уруғ чиқиш даражасига қараб мағизнинг чиқиши ҳисобланганда, “Саломат” навида 73,8 фоиз бўлса, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Перу давлатларидан келтирилган нав ва намуналарда 74,1-75,1 фоизни ташкил этган. Ява ороллари, Янги Зеландия, ЖАР, Эрон, Бурунди ва Ҳиндистон (каталог рақами ISCVT 03178, 03179, 03196) давлатларидан келтирилган нав ва намуналарда эса “Саломат” нави кўрсаткичидан 4,4-7,7 фоиз пастроқ бўлганлиги кузатилган.

Дунё генофондидан келтирилган ер ёнғоқ нав ва намуналарининг барг сатҳини аниқлаш бўйича олинган маълумотлар 1-расмда келтирилган.



1-расм. Ер ёнғоқ нав ва намуналарининг барг сатҳи, минг м²/га.

Хорижий ерэнгоқ нав ва намуналарининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари
(2006 - 2008 йй.)

№	Каталог раками	Келиб чиқиши	Бир ўсимликдаги ёнгоқлар сони, дона	Етилган ёнгоқлар микдори, %	Мағзининг чиқиши, %	1000 дона уруғ вазни, г	Дуққак ҳосили, ц/га	Назоратга нисбатан фарк, ц/га	Уруғдаги мой микдори, %
1	Саломат	Ўзбекистон	24,0	79,0	73,8	521,3	24,0	-	49,6
2	133	Ява ороллари	21,7	67,5	68,5	414,8	18,6	-5,4	46,9
3	119	Бразилия	21,0	75,9	71,1	388,1	22,7	-1,3	48,4
4	207	Озарбайжон	20,3	73,6	72,3	435,6	19,4	-4,6	46,2
5	240	Хитой	27,7	81,9	75,1	548,3	27,3	3,3	48,7
6	387	АҚШ	26,3	79,7	73,8	535,5	25,0	1,0	46,0
7	412	Янги Зеландия	24,3	68,4	67,4	384,6	18,5	-5,5	45,9
8	431	ЖАР	15,7	69,7	66,4	375,2	17,6	-6,5	49,7
9	513	Япония	27,0	82,6	74,1	524,6	26,6	2,5	45,4
10	537	Жанубий Корея	29,3	82,9	74,9	546,6	28,5	4,4	44,8
11	556	Уганда	20,7	77,6	72,0	455,2	23,3	-0,8	48,7
12	617	Иран	19,3	75,6	69,4	410,5	21,4	-2,6	51,2
13	756	Перу	24,3	75,1	73,9	487,5	24,4	0,4	50,0
14	753	Болгария	20,3	71,8	70,7	398,5	20,8	-3,2	47,4
15	1277	Туркия	21,7	78,2	71,0	512,0	25,0	1,0	50,8
16	1379	Бурунди	20,7	75,3	69,4	405,3	22,1	-1,9	50,1
17	ISCVT 02022	Ҳиндистон	22,3	74,2	71,1	364,5	19,8	-4,2	47,1
18	ISCVT 03157	Ҳиндистон	24,0	83,2	73,0	435,3	26,8	2,7	49,9
19	ISCVT 03166	Ҳиндистон	21,7	72,1	70,6	328,7	20,6	-3,5	49,6
20	ISCVT 03169	Ҳиндистон	23,3	82,6	72,1	393,5	24,2	0,1	50,5
21	ISCVT 03178	Ҳиндистон	20,3	70,3	67,8	341,0	17,4	-6,6	48,4
22	ISCVT 03179	Ҳиндистон	18,7	63,9	66,1	337,1	16,2	-7,8	47,2
23	ISCVT 03181	Ҳиндистон	24,7	79,5	72,0	392,6	23,0	-1,0	48,0
24	ISCVT 03184	Ҳиндистон	26,3	84,7	73,6	457,5	28,7	4,7	51,3
25	ISCVT 03187	Ҳиндистон	25,3	82,9	73,0	425,9	27,7	3,7	50,0
26	ISCVT 03194	Ҳиндистон	22,0	77,2	71,2	396,5	20,4	-3,6	47,1
27	ISCVT 03196	Ҳиндистон	19,3	70,1	68,1	340,3	17,7	-6,4	47,9
28	ISCVT 03206	Ҳиндистон	21,0	75,7	70,4	353,9	19,2	-4,9	48,2
29	ISCVT 03207	Ҳиндистон	23,7	77,0	71,4	378,7	22,5	-1,6	50,7
30	CHICO 01021	Ҳиндистон	27,7	83,2	73,4	439,8	27,5	3,5	49,9
	Дуққак ҳосили: 2006 йил НСР ₀₅ = 0,69 ц/га; НСР ₀₅ = 2,48% 2007 йил НСР ₀₅ = 0,83 ц/га; НСР ₀₅ = 3,64% 2008 йил НСР ₀₅ = 0,76 ц/га; НСР ₀₅ = 2,80%								

Ерёнғокнинг 1000 дона уруғ вазни хорижий нав ва намуналарда 328,7-548,3 граммни ташкил этган ҳолда “Саломат” навида 521,3 грамм, АҚШ, Хитой, Япония, Жанубий Корея давлатларидан келтирилган нав ва намуналарда 524,6-548,3 грамм ёки 3,0-27,0 грамм оғирроқ бўлган бўлса, Бразилия, Янги Зеландия, ЖАР, Болгария ва Ҳиндистон давлатларидан келтирилган нав ва намуналарда 122,8-156,8 грамм камлиги кузатилган. Энг юқори ҳосилдорлик 240 (Хитой), 513 (Япония), 537 (Жанубий Корея), ISCVT 03157, ISCVT 03184, ISCVT 03187, CHICO 01021 (Ҳиндистон) нав ва намуналарда кузатилиб, 26,6-28,7 ц/га дуккак ҳосили олинган бўлса, энг кам ҳосил эса 431 (ЖАР), ISCVT 03178, ISCVT 031794, ISCVT 03196 (Ҳиндистон) нав ва намуналарда 16,2-17,7 ц/га ни ташкил этган.

Диссертациянинг «Ерёнғок навларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва унинг сифат кўрсаткичларига асосий ва такрорий экин сифатида экиш муддатларининг таъсири» деб номланган тўртинчи бобида ерёнғокнинг маҳаллий “Тошкент-112”, “Қибрай-4”, “Саломат” ва “Мумтоз” навлари асосий экин сифатида 4 та муддатда: 15.04; 25.04; 5.05; 15.05 ҳамда такрорий экин сифатида 3 та муддатда: 5.06; 15.06; 25.06 экилиб, экиш муддатларини ерёнғок навларининг морфобиологик хусусиятларига, фотосинтетик фаолиятига, ҳосилдорлиги ва уруғидаги мой миқдорига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган.

Асосий экин сифатида турли экиш муддатлари бўйича “Тошкент-112” (назорат) навида униб чиққан ниҳоллар сони гектарига 101,4-115,7-119,9-119,6 минг донани ташкил этган бўлса, “Қибрай-4” навида назорат навига нисбатан 4,3-2,9-7,2-4,3 минг дона, “Саломат” навида 2,9-1,4-2,9-1,4 минг дона, “Мумтоз” навида 4,3-5,7-7,1-7,2 минг дона кўпроқ ниҳоллар униб чиққанлиги қайд этилган.

Таҷрибада ерёнғок навларининг барг сатҳи А.Ничипоровичнинг тангача усулида тарозида ўлчаш орқали аниқланган. Бир туп ерёнғок ўсимлигидаги ҳосил бўлган барглар сони ва унинг сатҳига экиш муддатларининг таъсири кузатилди. Маҳаллий ерёнғок навлари 5 майда экилганда барг сатҳи “Тошкент-112” навида 36,1 минг м²/га ни ташкил этган ҳолда “Мумтоз” навида 6,0 минг м²/га юқори бўлган. Бир туп ўсимликда энг кўп ҳосил бўлган барглар сони биринчи экиш муддатида навлар кетма-кетлиги бўйича 103,4; 122,6; 112,5; 127,8 дона/туп, фотосинтетик соф маҳсулдорлиги эса биринчи экиш муддатида юқори бўлиб, суткасига 3,15; 3,91; 3,56; 3,94 г/м² ни ташкил этган.

Такрорий экин сифатида турли экиш муддатлари ерёнғок навлари барг сатҳига сезиларли даражада таъсир кўрсатгани қайд этилди. Масалан, “Тошкент-112” нави 5 июнда экилганда барг сатҳи 32,5 минг м²/га бўлса, “Саломат” навида унга нисбатан 0,9 минг м²/га кўпроқ, аммо “Қибрай-4” ва “Мумтоз” навларида эса аксинча барг сатҳи 1,9 ва 1,1 минг м²/га камроқ шакллангани аниқланган.

Асосий экин сифатида экилган ерёнғокнинг дуккак ҳосилдорлиги экиш муддатларига боғлиқ ҳолда турлича бўлиб, энг юқори ҳосил 5 майда экилганда олинган ҳамда “Тошкент-112” навида 27,0 ц/га бўлган ҳолда

“Қибрай-4” навида 33,8 ц/га, “Саломат” навида 30,9 ц/га ва “Мумтоз” навида 34,5 ц/га ни ташкил этган. Ерёнғоқни такрорий экин сифатида энг мақбул экиш муддати 5 июн эканлиги аниқланиб, “Тошкент-112” навида дуккак ҳосили 22,1 ц/га ни ташкил этган бўлса, “Саломат” навида 1,4 ц/га юқори ҳосил олишга эришилган.


Маҳаллий ерёнғоқ навларининг пичан ҳосили дуккак ҳосилига боғлиқ ҳолда 5-15 май кунлари экилганда юқори натижалар олинган ва “Тошкент-112” навида 36,0-38,0 ц/га, “Мумтоз” навида 46,4-48,7 ц/га ёки 10,4-10,7 ц/га юқори пичан ҳосили етиштирилган (2-жадвал).

2-жадвал

Асосий экин сифатида экилган ерёнғоқ навлари биометрик кўрсаткичларига экиш муддатларининг таъсири (2009-2011 йиллар, ўртачаси)

№	Нав номи	Бир туپ ўсимликдаги ёнғоқлар сони, дона			Етилган ёнғоқларнинг миқдори, %	Бир туپ ўсимлик маҳсулдорлиги, г	Бир туپ ўсимликдаги ёнғоқлар вазни, г	Мағзининг чиқиши, %	1000 дона уруғ вазни, г	Дуккак ҳосили, ц/га
		етилган	етилмаган	жами						
Экиш муддати - 15.04										
1	Тошкент-112 (назорат)	22,0	6,0	28,0	78,6	18,64	13,18	70,7	416,5	18,8
2	Қибрай-4	20,0	4,3	24,3	82,2	24,18	17,49	72,3	751,4	26,4
3	Саломат	18,0	4,0	22,0	82,0	22,65	16,62	73,3	511,3	23,2
4	Мумтоз	20,3	5,3	25,7	79,2	23,82	16,84	70,6	625,7	24,9
Экиш муддати - 25.04										
5	Тошкент-112 (н)	21,7	5,3	27,0	79,9	20,80	14,32	68,8	415,4	23,9
6	Қибрай-4	22,3	4,3	26,7	83,8	25,32	18,44	72,8	750,1	30,7
7	Саломат	21,0	4,0	25,0	84,1	24,02	17,71	73,7	509,3	28,1
8	Мумтоз	21,7	5,7	27,3	79,3	25,62	18,40	71,8	623,9	30,9
Экиш муддати - 05.05										
9	Тошкент-112 (н)	18,7	5,3	24,0	77,8	22,54	16,10	71,4	413,5	27,0
10	Қибрай-4	24,0	5,7	29,7	80,9	25,77	18,85	73,1	748,4	33,8
11	Саломат	22,7	5,0	27,7	81,9	25,20	18,54	73,6	507,6	30,9
12	Мумтоз	24,0	6,3	30,3	79,1	27,07	19,52	72,1	621,9	34,5
Экиш муддати - 15.05										
13	Тошкент-112 (н)	14,7	5,7	20,3	72,1	21,67	15,46	71,3	413,1	26,0
14	Қибрай-4	20,3	6,3	26,7	76,3	25,45	18,60	73,1	747,8	32,4
15	Саломат	18,7	5,3	24,0	77,8	24,89	18,30	73,5	506,8	30,3
16	Мумтоз	21,7	6,7	28,3	76,5	26,24	18,96	72,3	621,2	33,2

Олинган натижаларнинг математик таҳлиларида, турли экиш муддатларида ерэнғоқ навларининг дуккак ҳосили ва уруғдаги мой миқдори орасида ўрта даражада ижобий корреляцион боғлиқлик мавжудлиги ($r=0.252$) аниқланган (2-расм).



2-Расм. Экиш муддатларининг ерэнғоқ навлари дуккак ҳосилдорлигига таъсири, ц/га


Диссертациянинг «Ерэнғоқ навларининг суғориш тартиблари ва ўғитлаш меъёрларини аниқлаш» деб номланган бешинчи бобида тажриба даласи тупроғининг агрофизик ва агрохимёвий хоссалари, ерэнғоқ навларини суғориш муддатлари, сони ва меъёри, ерэнғоқ уруғларининг дала унувчанлиги, ўсиши ва ривожланиш даврлари, барг сатҳи ва поя баландлиги, дуккак ҳосили ва мой миқдори суғориш тартиблари ва ўғитлаш меъёрларига боғлиқ ҳолда ўзгариши баён этилган.

Тажриба даласи тупроғининг ҳайдалма қатлами ҳажм массаси тажрибанинг биринчи йилида ўртача $1,38 \text{ г/см}^3$, ҳайдалма қатлам остида (30-50 см) $1,45 \text{ г/см}^3$ ни ташкил этган бўлса, ерэнғоқ ҳосили йиғиштириб олингандан кейин тупроқни ҳайдов ва ҳайдов остки қатламида $0,066-0,038 \text{ г/см}^3$ зичлашгани кузатилган. Тажрибанинг кейинги йилларида ҳам шунга ўхшаш қонуниятлар сақлангани аниқланган.

Тажриба даласи тупроғининг чегаравий нам сиғими тадқиқот бошида 22,8 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткич тупроқнинг тузилишига ва механик таркибига хос бўлиб, ерэнғоқнинг суғориш меъёрларини аниқлаш учун асос қилиб олинган.

Тажриба даласида ерэнғоқни экишдан олдин ҳаракатчан шаклдаги азот, фосфор ва алмашувчи калий миқдорлари аниқланганда, ҳайдалма қатламда ҳаракатчан шаклдаги азот миқдори 4,4-5,1 мг/кг, ҳайдалма қатлам остида 3,0-3,7 мг/кг, фосфор мос равишда 41,7-51,3 мг/кг ва 31,4-40,6 мг/кг, алмашувчан калий эса 173,0-195,0 мг/кг ва 138,0-153,0 мг/кг ни ташкил этган. Олинган маълумотларга кўра, тажриба даласи тупроғи азот билан кам, фосфор билан ўртача ва калий билан кам таъминланганлиги баён қилинган.

Олинган натижаларнинг математик таҳлиларида, ерэнғоқ навлари поя баландлиги ва барг сатҳи орасида юқори даражада ижобий корреляцион боғлиқлик мавжудлиги ($r=0.787$) аниқланган (3-расм).



3-Расм. Ерэнғоқ навлари поя баландлиги ва барг сатҳига суғориш тартиблари ва минерал ўғитларнинг таъсири.


Ерэнғоқ навларини ҳар галги суғориш меъёрлари суғоришдан олдинги тупроқ намлигига боғлиқ ҳолда ўзгарган. Суғоришдан олдинги тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-65-65% бўлганда иккинчи суғориш июл ойи

биринчи ярмида ўтказилди ва 740 м³/га ҳисобида сув берилди. Ерэнғокни мавсумий сув сарфи 2890 м³/га ни ташкил этган.

Ерэнғокнинг маҳаллий навларини мавсумий суғориш меъёрлари йиллар бўйича суғоришлар сони ва ҳар галги суғориш меъёрларига боғлиқ ҳолда ўзгарган. Тажрибада суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65% бўлганда мавсумий сув сарфи 3430 м³/га ни ташкил этгани аниқланган.

Ерэнғокнинг “Саломат” навида суғориш ЧДНСга нисбатан 70-75-65% тартибда ўтказилганда минерал ўғитлар қўлланилмаган назоратда ҳосилининг пишиш даври 91-93 кунни ташкил этган бўлса, минерал ўғитлар N₁₀₀P₁₅₀K₁₀₀ ва N₁₅₀P₁₅₀K₁₀₀ кг/га меъёрларда қўлланилганда 93-98 кунни, минерал ўғитларнинг юқори меъёрларида N₂₀₀P₁₅₀K₁₀₀ кг/га 94-100 кунни ташкил этгани аниқланган.

Суғориш тартиблари ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш меъёрлари тадқиқ этилган вариантларда ерэнғок навлари ҳосилдорлиги ва уруғдаги мой миқдорининг ўзгариши орасида юқори даражада ижобий корреляцион боғлиқлик (r=0.669) борлиги аниқланган (4-расм).



4-Расм. Ерэнғок навлари ҳосилдорлиги ва уруғдаги мой миқдори суғориш тартиблари ва минерал ўғитларнинг таъсири.

Ерэнғок турли хил озиқа элементларига талабчан бўлиб, 1 тонна дуккак ва 2 тонна ўсимлик пичани олиш учун 63 кг азот, 11 кг фосфор, 46 кг калий, 27 кг кальций ва 14 кг магний элементлари тупроқдан ўзлаштириши ва

ўсимлик таркибида 50 фоиз азот ва фосфор, 80-90 фоиз калий, кальций ва магний элементлари сақланиб қолиши баён қилинган.

Тажрибада 1 кг NPK ўғити ҳисобига ҳосил бўлган дуккак массаси “Саломат” навида суғориш ЧДНСга нисбатан 70-65-65% тартибда ўтказилиб, минерал ўғитлар қўлланилмаган вариантга нисбатан $N_{100}P_{150}K_{100}$ кг/га меъёрда қўлланилганда 4,71 кг, $N_{150}P_{150}K_{100}$ кг/га меъёрда қўлланилганда 5,35 кг кўпроқ дуккак ҳосили олинган. Минерал ўғитлар $N_{200}P_{150}K_{100}$ кг/га меъёрда қўлланилганда ҳосил миқдори янада ошган бўлсада, аммо дуккак ҳосили шаклланишида минерал ўғитлардан фойдаланиш коэффициенти 0,14 фоиздан 0,48 фоизгача камайганлиги кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда суғориш сони ва меъёрлари ошиб бориши билан 1 кг NPK ҳисобига ҳосил бўлган дуккак массаси ошган. Тажрибанинг иккала суғориш тартибларида ҳам минерал ўғитлар меъёрлари $N_{200}P_{150}K_{100}$ кг/га қўлланилган вариантларда “Саломат” навида 1 кг NPK ҳисобига ҳосил бўлган дуккак массаси 5,29 ва 6,58 кг ни ташкил этган бўлсада, $N_{150}P_{150}K_{100}$ кг/га қўлланилганга нисбатан 0,06-0,31 кг кам бўлгани аниқланган.

Диссертациянинг «**Ерёнғоқ етиштиришда биостимулятор қўллаш технологияси**» деб номланган олтинчи бобида ерёнғоқ навларини етиштиришда Микрозим-2 биостимуляторини уруғни экишдан олдин ҳамда гуллаш ва дуккаклаш даврларида қўллаш технологияси тадқиқ этилиб, уруғларнинг дала унувчанлиги, ривожланиш даврлари, поя баландлиги, барг сатҳи ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Тажрибада уруғни экишдан олдин Микрозим-2 биостимулятори (30 л/т) билан ишлов бериб экилганда ниҳоллар 3-4 кун эрта ва соғлом униб чиққанлиги кузатилиб, дала унувчанлиги “Саломат” навида 90 фоиз, “Мумтоз” навида 92 фоизни ташкил этган ҳамда ҳақиқий кўчат қалинлиги гектарига “Саломат” навида 120,0 минг туп, “Мумтоз” навида 122,8 минг тупга тенг бўлган. Олинган маълумотларга кўра, Микрозим-2 биостимулятори билан ерёнғоқ уруғларига экишдан олдин ишлов берилганда, назоратга нисбатан униб чиқиши тезлашган ва мақбул кўчат қалинлиги таъминланган.

Тажрибада Микрозим-2 биостимуляторининг ерёнғоқнинг ривожланиш даврларига таъсири бўйича қуйидаги қонуниятлар аниқланган. Жумладан, ерёнғоқнинг “Саломат” навида гуллаш даври бошланиши минерал ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантда 2 июн, минерал ўғитлар $N_{150}P_{150}K_{100}$ меъёрда қўлланилганда 6 июнь, “Мумтоз” навида эса юқоридагига мос равишда 13-15 июн кунларига тўғри келган бўлса, Микрозим-2 биостимулятори билан ишлов берилганда майсаланиш “Саломат” навида 2-4 июн, “Мумтоз” навида эса 12-15 июн кунларига тўғри келган ҳамда гуллаш даври 2 кунгача фарқ қилган.

Шунга ўхшаш ҳолатда дуккаклар ҳосил бўлиш ва пишиш даврлари Микрозим-2 биостимулятори уруғга экиш олдида ва гуллаш-дуккаклаш даврларида ишлов берилган вариантларда 1-3 кундан 7-8 кунгача фарқ қилгани ҳолда ривожланиш даврлари узоқроқ давом этган ва дуккаклар

